

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

КОМИЛОВА МАХФУЗА МИРЗАСУЛТОН ҚИЗИ

ВИРУСГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ
ФАРМАКОТЕХНОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ

15.00.01- дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of philosophy dissertation (PhD)

Комилова Махфуза Мирзасултон қизи

Вирусга қарши дори воситаларини ишлаб чиқишнинг
фармакотехнологик аспектлари..... 3

Комилова Махфуза Мирзасултон қизи

Фармакотехнологические аспекты разработки противовирусных
лекарственных средств 21

Komilova Makhfuza Mirzasulton kizi

Pharmacotechnological aspects of the development of antiviral drugs 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

КОМИЛОВА МАХФУЗА МИРЗАСУЛТОН ҚИЗИ

ВИРУСГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ
ФАРМАКОТЕХНОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ

15.00.01- дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PHD/Fag77 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кариева Ёқут Саидкаримовна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўхтаев Ҳаким Раҳманович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Маматханова Мунираҳон Аҳматхон қизи
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Ётақчи ташкилот:

ЎЗР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика махсуслотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасаси

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Fag.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «21» апрель соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz.)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (72 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2025 йил «9» апрель кунни тарқатилди.
(2025 йил «4» апрель даги 72 рақамли реестр баённомаси).



К.С. Ризаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ф.Х. Мақсудова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби в/б, фарм.ф.д., доцент

Ф.Ф. Урманова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) соғлиқни сақлашнинг асосий глобал муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда ва бугунги кунда касалланганлар сони 37,9 миллион кишини ташкил этади, ўлганлар сони эса 32 миллиондан ошган. Бироқ, сўнгги йигирма йил ичида антиретровирус таъсирга эга дори воситаларни қабул қилиш натижасида ОИВ инфекциясининг янги ҳолатларини сони 37% га, ушбу вирус билан боғлиқ сабаблардан ўлим ҳолатлари сони 45% га камайган. Шунинг учун ушбу касалликни бошқаларга юқишини олдини олиш, ҳамда беморларнинг ҳаёт давомийлиги ва сифатини ошириш учун антиретровирус таъсирга эга субстанцияларни синтез қилиш, улар асосида қўллаш учун қулай бўлган хавфсиз дори воситаларни яратиш, уларнинг самарадорлигини исботловчи фармакотерапевтик тадқиқотларни ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида иммунитет танқислиги вирусига чалинган беморларларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, улар қўллайдиган турли таъсир этиш механизмига эга бўлган антиретровирус дори воситаларнинг ассортиментини кенгайтириш, терапия режимининг хавфсизлиги таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада янги синтезланган фаол фармацевтик субстанциялар асосида оригинал дори воситаларнинг технологиясини ишлаб чиқиш, мавжуд технологияларни такомиллаштириб, генерик препаратларни яратиш, уларни амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида стандартлаш ҳамда турғунлигини таъминлашга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда фармацевтика соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида аҳоли саломатлигини таъминлаш мақсадида турли шаклдаги рақобатбардош дори воситаларни ишлаб чиқиш, биофармацевтик нуқтаи назардан биологик самарадорлигини таъминлаш, уларни маҳаллий фармацевтик корхоналар амалиётига татбиқ этиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 22-мақсадида «Фармацевтика sanoati маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, ОИВ инфекциясини даволашда қўлланиладиган антиретровирус таъсирга эга субстанциялар асосида импорт ўрнини босувчи, иқтисодий жиҳатдан қулай дори воситалар ассортиментини кенгайтириш, уларнинг биоэквивалентлиги ва безарарлигини исботлаш, ишлаб чиқилган технологияларни маҳаллийлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-4554-сон, 2022 йил 26 октябрдаги «Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-411-сон, 2024 йил 10 январдаги «Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-14-сон қарорлари, 2022 йил 21 январдаги «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-55-сон фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли дори шаклларидаги генерик дори воситалар технологиясини ишлаб чиқиш, уларни биоэквивалентлигини *in vitro* ва *in vivo* тадқиқотларда исботлаш, турғунлигини таъминлаш, маҳаллий корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш бўйича республикамиз етакчи олимлари Х.К.Джалилов, М.У.Усуббаев, Х.М.Юнусова, Ё.С.Кариева, Ф.Х. Максудоваларнинг илмий изланишлари катта аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида антиретровирус терапиясида қўлланилдиған дори воситаларнинг таснифланиши, уларни қўллашда юзага келувчи ножўя ҳолатлар, ушбу фармакотерапевтик таъсирга эга генерик ва оригинал препаратларни қўллаб даволашда нархларнинг фарқланиши, ОИВ инфекцияси билан касалланганларни даволашдаги замонавий ёндошувлар, янги дори воситаларни ишлаб чиқишда инновацион технологияларни қўллаш борасида L.Aranzabal, J.D. Lundgren, A.G. Babiker, F. Gordin, S. Emery, B. Grund, S. Sharma, A. Avihingsanon, D.A. Cooper, G. Fätkenheuer, J.M. Llibre, J.M. Molina, P. Munderi, M. Schechter, R. Wood, K.L. Klingman, S. Collins, H.C. Lane, A.N. Phillips, J.D. Neaton, L. Martin-Carbonero, M. Nunez, J. Gonzalez-Lahoz, V. Soriano, D. Zucman, S. Camara, J. Gravisse, S. Dimi, Г.В.Раменская, С.Г.Андреева, В.Б.Мусатов, Ю.И.Буланьков, А.Ш.Сергалиева, В.Б.Денисенко, Э.Н.Симованьян, Н.Н. Еременко, А.И. Губенко, А.И. Зебрев, И.В. Лысикова, М.В. Журавлева, А.Б.Прокофьев, А.С.Подымова, Н.Г.Бердникова, С.Ю. Сереброва, Е.Ю. Демченкова, В.Я. Розенберг, Н.Б.Ростова, Н.А.Гудилина, А.В. Старыгин, О.А.Козырев, Б.Е. Толкачев, М.В. Шалдина, И.А. Пирогова, Н.Е. Уварова, Н.Н. Еременко, Д.В. Горячевларнинг илмий изланишларини эътироф этиш лозим.

Мазкур диссертация иши антиретровирус таъсирга эга эфавиренз ва невирапин субстанциялари асосида капсула шаклидаги генерик дори

воситаларни ишлаб чиқиш, уларни стандартлаш ишларини амалга ошириш, биофармацевтик тадқиқотларни олиб бориш ҳамда тўрғунлигини таъминлаш бўйича биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Генерик дори воситаларнинг такомиллаштирилган технологияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади антиретровирус терапиясида қўлланиладиган эфавиренз ва невирапин капсулаларининг илмий асосланган таркиблари ва технологияларини ишлаб чиқиш, уларни стандартлаш ишларини амалга оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маркетинг изланишлар ҳамда адабиётлар таҳлили натижаларига асосан ОИВ-инфекциясини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг ассортиментини кенгайтириш, уларни маҳаллий фармацевтик корхоналарнинг ишлаб чиқаришига жорий этиш масаласининг долзарблигини илмий асослаш;

эфавиренз ва невирапин субстанцияларининг структура-механик ва технологик кўрсаткичларини аниқлаш;

антиретровирус таъсирга эга субстанциялар асосида капсула шаклидаги дори воситаларнинг таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни олиб бориш;

эфавиренз ва невирапин субстанциялари ҳамда уларни капсуланадиган массаларининг технологик хоссаларини қиёсий ўрганиш;

эфавиренз ва невирапин капсулаларини стандартлаш ишларини амалга ошириш, сифат ва миқдор кўрсаткичларининг меъёрларини белгилаш;

турли қадоқ материалларида антиретровирус таъсирга эга капсулаларнинг сақланиш шароитларини аниқлаш ва яроқлилик муддатларини белгилаш;

эфавиренз ва невирапин капсулалари учун «Эрувчанлик» синовини ўтказиш шароитларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган дори воситалар учун меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасасига рўйхатдан ўтказиш ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш мақсадида топшириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида эфавиренз ва невирапин субстанциялари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган капсула дори шакллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети антиретровирус таъсирга эга эфавиренз ва невирапин субстанцияларининг структура-механик ва технологик хоссаларини аниқлаш, улар асосида капсула дори шакллариининг технологиясини ишлаб чиқиш, стандартлаш, «Эрувчанлик» синовини

ўтказиш шароитларини ва яроқлилик муддатларини аниқлаш ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни тайёрлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни олиб боришда замонавий технологик, физикавий, физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик усуллардан ва замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тажрибани математик режалаштириш усулида антиретровирус терапиясида қўллаш учун мўлжалланган эфавиренз капсулалари учун ёрдамчи моддалар мажмуаси танланган ва технологияси ишлаб чиқилган;

турли ёрдамчи моддаларни сақлаган капсуланадиган массаларнинг технологик хоссаларини қиёсий ўрганиш натижасида, неврапин капсулалари учун таркиб таклиф этилган ва нам донаторлаш усулида олиш технологияси ишлаб чиқилган;

антиретровирус таъсирга эга эфавиренз ва неврапин капсулаларининг стандартлаш ишлари амалга оширилган ва улар учун спецификация ишлаб чиқилган;

технологияси ишлаб чиқилган эфавиренз ва неврапин капсулаларини биофармацевтик нуқтаи назардан баҳолаш учун «Эрувчанлик» синовини ўтказиш шароитлари илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

антиретровирус таъсирга эга эфавиренз ва неврапин капсулаларининг сақланиш шароитлари аниқланган ҳамда «табiiй сақлаш» ва «тезлаштирилган эскириш» усулларида яроқлилик муддатлари асосланган;

эфавиренз ва неврапин капсулаларини олиш технологияси саноат миқёсида синовдан ўтказилган ва олинган натижалар асосида эфавиренз капсулалари учун тажриба-саноат регламенти ишлаб чиқилиб, тасдиқланган;

илмий тадқиқот натижасида антиретровирус терапиясида қўлланиладиган эфавиренз ва неврапин капсулалари учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижалар замонавий физик-кимёвий (юқори самарали суюқлик хроматографияси), технологик, биофармацевтик, фармакологик текширувлар асосида тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар тажриба саноат ишлаб чиқариш жараёнида синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти антиретровирус терапиясида қўлланиладиган эфавиренз ва неврапин капсулаларининг оптимал таркиби ва мўътадил технологияси ишлаб чиқилганлиги, стандартлаш ишлари амалга оширилганлиги, турғунлигини таъминлаш масалалари ҳал қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган эфавиренз капсулалари учун тажриба саноат регламенти тасдиқланганлиги, шунингдек «Samarkand-England Eco-Medical» МЧЖ ҚК билан ҳамкорликда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш

мақсадида «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасасига тақдим этилганлиги билан изоҳланади. Бу эса ОИВ инфекциясида қўлланиладиган импорт ўрнини босувчи дори воситалар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Вирусга қарши дори воситаларини ишлаб чиқишнинг фармакотехнологик аспекти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Эфавиренз» капсуласи учун корхона фармакопоя мақоласи лойиҳаси ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасасига рўйхатдан ўтказиш учун топширилган («Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасасининг 2024 йил 11 декабрдаги 41/11-16180-сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу меъёрий ҳужжатнинг тасдиқланиши маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқарувчи корхонага самарали антиретровирус дори воситаси технологиясини жорий қилиш имконини беради;

«Невирапин» капсуласи учун корхона фармакопоя мақоласи лойиҳаси ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасасига рўйхатдан ўтказиш учун топширилган («Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасасининг 2024 йил 11 декабрдаги 41/11-16181-сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу меъёрий ҳужжатнинг тасдиқланиши юқори самарадорликга эга антиретровирус дори воситалар ассортиментини кенгайтириш имконини беради;

«Эфавиренз» капсуласи учун тажриба саноат регламенти «Samarkand-England Eco-Medical» МЧЖ ҚК билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (ОПР 7697-0211-2024). Мазкур ҳужжатнинг тасдиқланиши натижасида ОИВ-инфекциясига қарши қўлланиладиган дори воситаси учун меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиши ва рўйхатга олиниши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**ОИВ-инфекциясини даволашда антиретровирус препаратлари эгаллаган ўрни, капсула дори шаклининг ривожланиш истиқболлари**» номли биринчи бобда антиретровирус терапиясида қўлланиладиган препаратлар тарихи, таснифи ва замонавий ассортименти, уларнинг ножўя таъсирлари, сифатини назорат қилиш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, ушбу бобда капсула дори шаклининг афзалликлари, уни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ёрдамчи моддалар тавсифи, таснифи ёритилган.

Шу билан бирга биринчи бобда ЎзРнинг 2017–2023 йиллардаги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Давлат Реестрида қайд этилган антиретровирус таъсирга эга дори воситаларнинг (ДВ) таҳлил натижалари келтирилган. Бунда МДХ ва хорижий давлатлардан олиб келинаётган, шунингдек республикада ишлаб чиқарилаётган ДВлар кўриб чиқилган. Тадқиқотлар давомида ушбу фармакотерапевтик гуруҳни рўйхатга олинган ДВларининг умумий сони ҳисоблаб чиқилди, ишлаб чиқарувчи мамлакатлар, дори шакли ва фаол модданинг табиати бўйича улушлар аниқланган.

1-расмда маҳаллий, хорижий дори воситалари ва МДХ давлатларидан олиб келинган ДВлари нисбати 100% ҳисобида кўрсатилган.




1-расм. Ҳудудий ишлаб чиқариш кесимида антиретровирус ДВларининг Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги улуши

Таҳлил натижалари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан антиретровирус ДВлари етарли даражада ишлаб чиқарилмаганини кўрсатмоқда (2022 ва 2023 йй. умуман ишлаб чиқарилмаган), ДВларининг асосий улуши хорижий ва МДХ давлатларидан импорт қилинмоқда. Рўйхатга олинган ДВларининг 80% дан ортиғи таблетка шаклида, қолганлари капсулалар, перорал қўллаш учун эритма ва инфузиялар каби бошқа дори шаклларида тақдим этилган. Шундай қилиб, қўллашга қулай, юқори самарадорликка эга антиретровирус ДВларини ишлаб чиқиш, кейинчалик маҳаллий корхоналарда жорий этиш Ўзбекистон замонавий фармацевтика соҳасининг долзарб вазифаларидан бирилиги белгиланди.

Диссертациянинг «**Эфавиренз капсуласи технологиясини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотлар**» деб номланган иккинчи бобида эфавиренз субстанциясининг структура-механик ва технологик хоссаларини ўрганиш, тажрибаларни математик режалаштириш усули ёрдамида капсула дори шакли учун ёрдамчи моддалар мажмуасини илмий асослаш, технологиясини яратиш, шунингдек, ишлаб чиқилган эфавиренз капсулаларини стандартлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Эфавиренз субстанцияси структура-механик хоссаларини аниқлаш мақсадида заррачаларининг микрофотографияси қилинди ва улар 2-расмда келтирилди.



2-расм. Эфавиренз субстанцияси намуналарининг микрофотографияси:
катталаштириш: а) 140 марта; б) 280 марта; в) 400 марта

Микрофотография натижалари эфавиренз субстанциясининг заррачалари кристаллик тузилишга эгаллигини исботлади. Бунда заррачалар узун тўрт бурчак тайёқчалар шаклидаги кристаллар бўлиб, узунлиги - 3,49 мкмдан 33,72 мкмгача, эни - 1,16 мкмдан 4,65 мкмгача бўлди. Заррачаларнинг ўртача узунлигининг ўртача энига бўлган нисбати 6,4 га тенг бўлди, яъни заррачалар чўзилган шаклга эга. Демак ушбу субстанциясининг заррачалари анизодиаметрик бўлиб, бундай порошоклар умумий ҳажмда майда фракцияларнинг улуши кўплиги билан таърифланади.

Эфавиренз субстанциясининг фракцион таркибини ўрганиш натижаларига асосан уни фракциялар бўйича қуйидагича тақсимланганлигини кўрсатди: -1000 мкм +500 мкм =17,46 %; -500 мкм + 355 мкм = 34,42 %; -355 мкм +250 мкм = 28,15 %; -250 мкм + 180 мкм = 14,70 %; -180 мкм + 63 мкм =3,46%; -63 мкм =1,81%.

Бунда фракцион таркибни аниқлаш натижасида заррачаларнинг ўртача ўлчамлари 399,6 мкм га тенг бўлди. Олинган натижалар микроскопик таҳлил натижасида заррачаларнинг аниқланган ўртача катталиги 18,56 баробар кичиклигини кўрсатди, бу эса эфавиренз субстанцияси заррачаларининг конгломератлар ҳосил қилишини исботлайди.

Эфавиренз субстанциясининг аниқланган бошқа технологик параметрлари ижобий бўлмади ва субстанцияни тўғридан-тўғри капсулаларга жойлаш имкони йўқлиги маълум бўлди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда эфавирензнинг капсула массасини тайёрлаш учун ёрдамчи моддаларни танлаш математик моделлаштиришнинг такрорий кузатишлар билан 5x5 икки омилли дисперсия таҳлил қилиш усули ёрдамида амалга оширилди. Бунда икки турдаги ёрдамчи моддаларни танлашга қарор қилинди: тўлдирувчи (А омил) ва дезинтегратор (В омил). Тўлдирувчи сифатида: a_1 - лактоза моногидрати (Ph. Eur.), a_2 - мальтодекстрин (Ph. Eur.), a_3 - микрокристаллик целлюлоза (МКЦ) (ЎзР ДФ I нашри, Ph. Eur.), a_4 –МКЦ (ЎзР ДФ I нашри, Ph. Eur.) ва лактоза моногидрати (Ph. Eur.) аралашмаси, a_5 - МКЦ (ЎзР ДФ I нашри, Ph. Eur.) ва мальтодекстрин (Ph. Eur.) аралашмасидан фойдаланилди. Қуйидагилар дезинтегратор сифатида ишлатилди: b_1 –дезинтегратор йўқлиги, b_2 - картошка крахмали (ЎзР ДФ I нашри, Ph. Eur.), b_3 – натрий кроскармеллозаси (Ph. Eur.), b_4 – альгин кислотаси (USP), b_5 – кросповидон (USP). Жавоб сифатида *in vitro* биофармацевтик тажрибаларда фаол фармацевтик субстанциянинг ажралиб чиқиш (%) кўрсаткичидан фойдаланилди.

5x5 эксперимент режаси ва модел капсулалардан 45 дақиқада эфавирензнинг ажралиб чиқиши бўйича тажрибалар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Таҳлил қилинган ёрдамчи моддаларнинг модел капсулаларидан эфавирензнинг ажралиб чиқишига таъсирини аниқлаш учун биз Дунканнинг кўп даражали мезонини қўлладик. Бунда тўлдирувчиларнинг маъқул қатори қуйидаги кўринишга эга бўлди: $a_4 > a_3 = a_2 = a_5 > a_1$. Дезинтеграторларнинг маъқул қатори эса қуйидаги кўринишга эга бўлди: $b_3 > b_1 = b_4 = b_2 = b_5$. Яъни тўлдирувчи сифатида МКЦ ва лактоза аралашмасидан, дезинтегратор сифатида - натрий кроскармеллозасидан фойдаланиш фармацевтик субстанцияни ажралиб чиқишининг энг юқори фоизини таъминлайди.

Капсуланадиган масса таркибига қўшиладиган антифрикцион модда унинг сочилувчанлик ва табиий оғиш бурчагига таъсири асосида аниқланди ва магний стеаратни қўллаш мақсадга мувофиқлиги исботланди.

Эфавиренз капсулаларига қуйидаги таркиб таклиф этилди:

Эфавиренз субстанцияси	200 мг
МКЦ (ЎзР ДФ I нашр., Ph. Eur.)	45 мг
Лактоза (Ph. Eur.)	28 мг
Натрий кроскармеллозаси (Ph. Eur.)	24 мг
Магний стеарати (USP, Ph. Eur.)	3 мг

Учта такрорий тажриба билан 5x5 икки омилли режасида модел капсулалардан эфавирензнинг ажралиб чиқиши, %

А омили	В омили					А омил даражалари бўйича йиғиндилари
	b ₁	b ₂	b ₃	b ₄	b ₅	
a ₁	65,40	68,03	74,66	65,27	77,13	1061,76
	68,16	69,54	78,38	65,39	72,08	
	68,34	71,39	75,98	69,43	72,58	
	201,90	208,96	229,02	200,09	221,79	
a ₂	72,48	87,27	86,44	82,27	75,18	1206,01
	77,12	80,60	81,39	78,09	78,49	
	74,49	83,97	82,58	85,34	80,30	
	224,09	251,84	250,41	245,70	233,97	
a ₃	70,31	69,69	90,67	70,11	78,59	1152,75
	75,06	75,13	84,83	73,39	75,72	
	71,08	76,62	87,91	74,49	79,15	
	216,45	221,44	263,41	217,99	233,46	
a ₄	72,58	82,43	93,32	83,60	90,24	1291,91
	74,16	86,20	91,15	88,76	92,13	
	71,49	88,91	95,67	87,54	93,73	
	218,23	257,54	280,14	259,90	276,10	
a ₅	76,37	81,11	89,15	72,53	79,16	1218,94
	80,06	86,17	88,44	75,19	84,63	
	74,78	82,24	90,31	73,04	85,76	
	231,21	249,52	267,90	220,76	249,55	
В омил даражалари бўйича йиғиндилари	1091,88	1189,30	1290,88	1144,44	1214,87	5931,37

Эфавиренз капсулаларини ишлаб чиқариш технологик чизмаси 3-расмда келтирилди.

Эфавиренз капсулаларининг таркиби илмий асосланганлигини яна бир бор исботлаш учун субстанция ҳамда капсуланадиган массанинг технологик хоссаларини қиёсий ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилди.

Олинган натижаларга асосан капсуланадиган массанинг заррачалар ўлчамларининг катталари кузатилди, бу эса массанинг сочилувчанлигига ўз таъсирини кўрсатди ва бу кўрсаткич вибротебранишсиз 5,72 баробар, вибротебраниш билан эса 6,47 баробар ошиб, мос равишда $5,72 \pm 0,61 \cdot 10^{-3}$ кг/с ва $6,28 \pm 0,94 \cdot 10^{-3}$ кг/с тенг бўлди. Массанинг сочилувчанлигини табиий оғиш бурчаги ҳам белгилайди: ушбу технологик кўрсаткич субстанцияни кига нисбатан 36 градусга камайиб, 32 ± 3 градусни ташкил қилди. Қолган технологик кўрсаткичлар ҳам ижобий томонга силжигани аниқланди ва бу

**Эфавиренз субстанцияси ва капсуладиган массанинг технологик
кўрсаткичларини қиёсий ўрганиш натижалари**

Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлч. бирлиги	Олинган натижалар	
		субстанция	капсул. масса
Фракцион таркиб: -1000 мкм + 500 мкм - 500 мкм +355 мкм - 355 мкм – 250 мкм - 250 мкм + 180 мкм -180 мкм + 63 мкм - 63 мкм	%	17,46 34,42 28,15 14,70 3,46 1,81	8,31 24,14 31,09 28,72 5,40 1,53
Вибротекранишсиз сочилувчанлик	10 ⁻³ кг/с	0	5,72±0,61
Вибротекраниш билан сочилувчанлик	10 ⁻³ кг/с	0,971±0,023	6,28±0,94
Сочилувчан зичлик	кг/м ³	247,11±14,6	466,08±32,30
Табиий оғиш бурчаги	градус	68±4	32±3
Зичланиш коэффициенти		2,70±0,21	1,91±0,16
Қолдиқ намлик	%	3,26±0,19	2,80±0,22

Эфавиренз капсулаларининг спецификацияси

Кўрсаткичлар	МҲ талаби	Таърифи	МҲ мослиги
Ташқи кўриниши	оқ рангли инкапсулаланган масса билан тўлдирилган «0» размерли оқ рангли қаттиқ желатина капсулалар	оқ рангли инкапсулаланган масса билан тўлдирилган «0» размерли оқ рангли қаттиқ желатина капсулалар	Мос
Чинлиги	<u>ЮССХ усулида:</u> Эфавирензни микдорини аниқлаш учун тайёрланган эритма хромат-да асосий чўққини ушланиш вақти солиштирма эритма хромат-даги эфавирензнинг ушланиш вақти чўққисига мос бўлиши керак	Эфавирензни микдорини аниқлаш учун тайёрланган эритма хромат-да асосий чўққини ушланиш вақти солиштирма эритма хромат-даги эфавирензнинг ушланиш вақти чўққисига мос	Мос
Капс. ўрт.оғир. г ± ва ундан четланиш, %	0,365-0,425 г ±7,5%	0,403 г ±2,03%	Мос
Инкапс. массанинг ўрт. оғир. г ± ва ундан четланиш, %	0,278 – 0,323 г ±7,5%	0,309 г ±3,0%	Мос
Парчаланиши, дақ Эрувчанлиги, %	30 дақ. ичида парчаланиши к-к “Айланадиган кажава”нинг айланиш тезлиги 50 айл/дақ тенг бўлганда 45 дақ ичида 75% кам бўлмаган микдорда эфавирез ажралиб чиқиши к-к.	8 дақ 35 сония 83,6%	Мос
Микробиологик тозаллиги (1 г инкапсулаланган масса)	Аэроб бактериялар 10 ³ КОЕ дан кам бўлиши керак	140	Мос
	Ачитқи ҳамда моғор замбуруғлар 10 ² КОЕ дан кам бўлиши керак	10	Мос
	Escherichia coli бўлмаслиги к-к	Мавжуд эмас	Мос
Эфавиренз микдори	Битта капсулада 0,190-0,210 г (±5%)	0,2032 г (101,6%)	Мос

Таклиф қилинган таркиб ва технология бўйича олинган эфавиренз капсулалари стандартланди ҳамда сифат ва миқдор кўрсаткичлари меъёрий ҳужжатлар талабларига мослиги исботланди.

Диссертациянинг «Невирапин капсуласи технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи боби невирапин субстанциясининг структура-механик ва технологик хоссаларини ўрганиш, капсула дори шакли учун ёрдамчи моддалар мажмуасини илмий асослаш, технологиясини яратиш, шунингдек, ишлаб чиқилган дори шаклини стандартлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Дастлабки тадқиқотлар натижасида невирапин субстанциясининг заррачалари эфавиренз субстанциясининг заррачалари каби конгломератлар ҳосил қилиш хусусиятига эгаллиги ҳамда ижобий бўлмаган барча технологик кўрсаткичлар субстанцияни тўғридан –тўғри капсулаларга жойлаш имконини бермаслиги аниқланди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, 5 хил тўлдирувчи ва 5 хил дезинтеграторларнинг турли комбинациялари ёрдамида капсулаланган массаларнинг 25 та таркиби ишлаб чиқилди. Ушбу массаларнинг қуйидаги параметрларга эътибор қаратилди, яъни технологик жараёни осон кечиши, массанинг сочилувчанлиги ($6,0 \cdot 10^{-3}$ кг/с дан юқори) ва табиий оғиш бурчаги кўрсаткичлари (25-45 градус оралиғида).

Бунда тўлдирувчи сифатида лактоза моногидрати ёки мальтодекстриндан фойдаланилганда ҳосил бўлган гранулалар синувчан бўлиб, майда фракциялар улуши ошиб кетти. МКЦ қўлланилганда эса – масса ёпишқоқ бўлиб, уни гранулалаш анча қийинчилик туғдирди. Аммо МКЦ лактоза ёки мальтодекстрин билан бирга қўлланилганда, технологик жараён, яъни аралаштириш, намлаш, гранулалаш каби босқичлар осон кечди ва сифатли гранулалар олинди. Ушбу массаларнинг табиий оғиш бурчаги ЎЗР ДФ меъёрлари асосида “яхши сочилувчанлик” кўрсаткичига мос келди. Аммо массаларнинг сочилувчанлиги сон кўрсаткичлари билан ифодаланганда, мальтодекстрин ва МКЦ аралашмасини сақлаган таркибларнинг сочилувчанлик кўрсаткичи қўлланилган дезинтеграторлардан қатъий назар $7,0 \cdot 10^{-3}$ кг/с дан юқори бўлмади. Энг юқори сочилувчанлик кўрсаткичлари тўлдирувчи сифатида лактоза ва МКЦ қўлланилган таркибларда кузатилди. Шу сабабли, ушбу таркиблар (№№16,17,18,19,20) кейинги тадқиқотлар учун танлаб олинди.

Ушбу таркиблар бўйича тайёрланган массаларнинг фракцион таркиби, сочилувчанлиги, табиий оғиш бурчаги, сочилувчан зичлиги, гранулаларнинг парчаланиши, қолдиқ намлик миқдори аниқланди (4- жадвал).

Олиб борилган қиёсий таҳлил натижаларига асосан невирапин капсулалари учун энг оптимал таркиб этиб №19 таркиб эканлиги белгиланди. Бунда тўлдирувчи сифатида лактоза ва МКЦ аралашмаси, дезинтегратор – кросповидон ва аэросил аралашмаси ҳамда намлантирувчи агент – тозаланган сувдан фойдаланилган.

**Тўлдирувчи сифатида лактоза ва МКЦ аралашмасидан фойдаланиб
тайёрланган капсулаланган массаларнинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш**

Кўрсаткич	Ўлчов бирл.	Намуналар				
		№16	№17	№18	№19	№20
Фракцион таркиб	%					
-1000 мкм + 500 мкм		16,42	29,08	13,44	31,69	18,22
-500 мкм + 355 мкм		18,93	25,41	20,63	24,38	21,64
-355 мкм + 250 мкм		32,14	19,52	26,37	23,40	25,18
-250 мкм + 180 мкм		22,80	21,81	20,60	17,69	20,09
-180 мкм + 90 мкм		8,62	3,31	14,87	2,38	8,73
-90 мкм		1,09	0,87	4,09	0,46	6,14
Сочилувчанлик	10 ⁻³ кг/с	8,35 ±0,83	8,92 ±1,14	7,39 ±0,51	9,27 ±1,06	8,02 ±0,64
Сочилма зичлик	кг/м ³	628,08± 36,89	706,12± 44,61	570,27± 21,94	749,40± 32,18	684,61± 29,53
Табиий оғиш бурчаги	градус	39,0±3,0	32,0±4,0	44,0±2,0	30,0±3,0	41,0±1,0
Гранулаларнинг парчаланиши	дақ	9,10±0,45	8,25±0,35	8,05±0,45	7,30±0,20	8,55±1,05
Қолдиқ намлик	%	1,94±0,49	2,09±0,24	2,33±0,52	2,16±0,21	2,39±0,31

Ушбу изланишларнинг сўнги босқичида антифрикцион моддани танлаб олиш мақсад қилинди. №19 таркиб бўйича тайёрланган масса 4 та қисмга бўлинди ва ҳар бири алоҳида антифрикцион модда билан упаланди. № 1, №2 ва №3 таркибларга – умумий массага нисбатан 1% миқдорида мос равишда стеарин кислотаси, кальций стеарати ва магний стеарати, №4 таркибга эса - умумий массага нисбатан 2% миқдорида тальк қўшилди.

Ушбу массаларнинг сочилувчанлиги ва табиий оғиш бурчаги аниқланди ва натижалар 5-жадвалда келтирилди.

**Невирапинни инкапсулаланган массасига антифрикцион моддани танлаш
бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари**

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	Модел аралашмалари			
		№1	№2	№3	№4
Сочилувчанлик	10 ⁻³ кг/с	9,59 ±0,72	10,23 ±0,96	10,84 ±1,06	9,38 ±0,84
Табиий оғиш бурчаги	градус	30,0±1,0	27,0±1,0	29,0±2,0	32,0±3,0

5-жадвалда келтирилган натижаларга асосан, сочилувчанлик бўйича энг яхши кўрсаткич магний стеарат қўлланилганда кузатилди: ушбу массанинг сочилувчанлиги 16,9% ошди ва $10,84 \pm 1,06 \cdot 10^{-3}$ кг/с тенг бўлди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда невирапин капсулалари учун қуйидаги таркиб танлаб олинди:

Невирапин субстанцияси	-	200 мг
МКЦ (ЎЗР ДФ I нашр., Ph. Eur.)	-	25 мг
Лактоза (Ph. Eur.)	-	40 мг
Кросповидон (USP)	-	8 мг
Аэросил (CAS:9005-84-9)	-	24 мг
Магний стеарати (USP, Ph. Eur.)	-	3 мг
Тозаланган сув (ФС 42 Уз 0511-2022)	-	q.s.

Битта капсула ичидаги массанинг ўртача оғирлиги - 300 мг

Танлаб олинган таркиб бўйича капсулаларни ишлаб чиқиш технологияси куйидагича бўлди: тешиклари диаметри 150 мкм бўлган элак орқали невирапин, лактоза, МКЦ, кросповидон, аэросил ва магний стеаратининг керакли миқдори эланади ва тортилади. Ингредиентлар (магний стеаратидан ташқари) бир хил масса ҳосил бўлгунга қадар кукунларни тайёрлашнинг умумий қоидаларига мувофиқ аралаштирилади. Сўнгра доимий аралаштириб турган ҳолда танланган намлантирувчи восита (тозаланган сув) билан намланади ва тайёрланган масса қуритиш шкафида 40-50°C ҳароратда қолдиқ намлик 10-15% га етгунча қуритилади. Қуритилган масса ишқалаб гранулалаш усули билан донадорланади ва қуритиш шкафида оптимал намлик даражаси (2-3%) га етгунча қуритиш давом эттирилади. Олинган гранулаланган масса магний стеарати билан упаланади ва 00-рақамли капсулаларга 0,3 гр қадоқланади.

Эфавиренз ва невирапин капсулалари учун ишлаб чиқилган технология маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқарувчи корхонада «Samarkand-England Eco-Medical» МЧЖ ҚК саноат шароитида синовдан ўтказилди.

Невирапин капсулаларини стандартлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида меъёрлар белгиланди ва барча аниқланган сифат ва миқдор кўрсаткичлари меъёрий ҳужжатлар талабларига мослиги исботланди.

Диссертациянинг «**Антиретровирус таъсирга эга капсулаларнинг биофармацевтик тадқиқотларини олиб бориш ва яроқлилиқ муддатини белгилаш**» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган эфавиренз ва невирапин капсулалари учун *in vitro* тадқиқотларини олиб бориш шароитларини белгилаш ҳамда ушбу ДВларнинг сақлаш шароитлари ва яроқлилиқ муддатларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Эфавиренз ва невирапин капсулалари учун “Эрувчанлик” синовини ишлаб чиқиш учун биринчи навбатда оптимал шароитларни (эриш муҳити, унинг ҳажми, ускунанинг аралаштириш тезлиги ва б.) танлаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди.


Тадқиқотлар ЎзР ДФ I наشري 2.9.3. “Қаттиқ дори шакллари учун “Эрувчанлик” синови” мақоласи талаблари асосида олиб борилди. Бунда 6 дона капсула ҳамда “Айланадиган кажава” қурилмаси қўлланилди.

Эриш муҳити сифатида 1% натрий лаурилсульфат эритмаси (эфавиренз капсулалари) ва рН кўрсаткичи 2,0 га тенг бўлган 0,1 М фосфат буфер эритмаси (невирапин капсулалари) олинди. Уларнинг ҳажми миқдорий таҳлил усуллариининг сезувчанлигидан келиб чиқиб, мос равишда 600 мл ва 900 мл деб белгиланди. Ҳарорат 37±1 °С ташкил қилди. “Эрувчанлик” синови кажаванинг 4 хил айланиш тезлигида олиб борилди: 50, 100, 150, 200 айл/дақ.

Кажаванинг ҳар бир айланиш тезлигида 45 дақиқа ичида эриш муҳитига 75% кўп фаол фармацевтик субстанциялари ажралиб чиқди. Айланиш тезликлардан бирини танлашни илмий асослаш мақсадида

эфавиренз ва неврапиннинг ажралиб чиқган миқдорини антилогарифм кўрсаткичлари ҳисобланди ва диаграмма кўринишида келтирилди (расм 4).

Логарифмик координаталар тизимида келтирилган натижалардан кўриниб турибтики, эфавиренз капсуллари учун биринчи тартибли тенгламага кажаванинг 50 айл/дақ, неврапин капсуллари учун эса – 100 айл/дақ тенг бўлган айланиш тезликлари тўғри келмоқда.



4-расм. Ишлаб чиқилган капсуллари эришининг антилогарифм эгри чизиқлари:
а) эфавиренз капсуласи; б) неврапин капсуласи

Эфавиренз ва неврапин капсуллари яроқлилик муддатини ўрганиш 21 ± 1 °C да “табiiй сақлаш” ва 60 °C “тезлаштирилган эскириш” усулларида олиб борилди. Олинган натижаларга асосан ишлаб чиқилган капсуллари яроқлилик муддати 2 йил деб белгиланди.

Олинган натижалар асосида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона «Samarkand-England Eco-Medical» МЧЖ ҚК билан ҳамкорликда ушбу антиретровирус ДВлари учун корхона фармакопея мақолаларининг лойиҳалари ишлаб чиқилди ва тасдиқлаш учун ЎзР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасасига топширилди.

ХУЛОСАЛАР

1. ЎзР фармацевтика бозорининг 2017-2023 йй. бўйича олиб борилган маркетинг тадқиқотлар натижалари антиретровирус терапиясида қўлланиладиган ДВларнинг 80%дан ортиғи хорижий ва МДХ давлатларидан импорт қилинишини кўрсатди. Бу эса ушбу фармакотерапевтик гуруҳга оид ДВларни қўллаш учун қулай дори шаклида ишлаб чиқишни ва уларни маҳаллий корхоналарга жорий қилишни мақсадга мувофиқлигини исботлайди.

2. Эфавиренз ва неврапин субстанцияларининг заррачалари анизодиаметрик заррачалар гуруҳига мансублиги ҳамда конгломератлар ҳосил қилиш хусусияти исботланди. Ижобий бўлмаган технологик хоссалари

(эфавиренз субстанциясининг вибротепраниш билан сочилувчанлиги - $0,971 \pm 0,023 * 10^{-3}$ кг/с, табиий оғиш бурчаги - $68,1 \pm 4$ градус; невирапин субстанцияси учун эса мос равишда - $1,242 \pm 0,035 * 10^{-3}$ кг/с ва 62 ± 3 градус) тўғридан-тўғри субстанцияларни капсулаларга жойлаш имкони йўқлигини, сифатли дори шаклини ишлаб чиқиш учун эса ёрдамчи моддалардан фойдаланиб, донадорлаш усулини қўллаш кераклиги белгилади.

3. Эфавиренз капсулалари учун ёрдамчи моддаларни танлаш (тўлдирувчи ва дезинтегратор) такрорий кузатувлар ($n=3$) билар 5×5 икки омилли тажриба таҳлили ёрдамида илмий асосланди. Антифрикцион моддани танлаш сочилувчанлик ва табиий оғиш бурчаги каби фармакотехнологик кўрсаткичларни ўрганиш натижалари асосида амалга оширилди.

4. Невирапин капсулаларида тўлдирувчи модда сифатида лактоза ва МКЦ аралашмаси, дезинтеграторлардан - кросповидон ва аэросил аралашмаси, намлантирувчи агент - тозаланган сув ҳамда антифрикцион модда - магний стеаратни қўллаш технологик кўрсаткичларнинг қониқарли қийматларига эга бўлган капсулаланадиган масса олиш имконини бериши исботланди. Эфавиренз ва невирапин капсулаларини олиш технологиялари ишлаб чиқилди ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи – «Samarkand-England Eco-Medical» МЧЖ ҚК базасида саноат шароитида синовдан ўтказилди.

5. Эфавиренз ва невирапин капсулаларини стандартлаш ишлари амалга оширилди ва барча кўрсаткичлар амалдаги МХ талабларига мослиги исботланди. «Табиий сақлаш» ва $60 \text{ }^\circ\text{C}$ «тезлаштирилган эскириш» усулларида 2 хил кадоқда ушбу капсулаларнинг сақланиш шароитлари ва турғунлиги аниқланиб, яроқлилик муддати 2 йил деб белгиланди.

6. Эфавиренз ва невирапин капсулалари учун «Эрувчанлик» синовини ўтказиш шароитлари илмий асосланди. Иккита капсула учун «Айланадиган кажава» қурилмасидан фойдаланиш, тажрибаларни олиб бориш ҳарорати - $37 \pm 1 \text{ }^\circ\text{C}$, тажрибаларни ўтказиш вақти – 45 дақ. деб белгиланди, шунингдек, эфавиренз капсулалари учун: эриш муҳити - 1% натрий лаурилсульфат эритмаси, унинг ҳажми - 600 мл, қурилманинг айланиш тезлиги – 50 айл/дақ, невирапин капсулалари учун: эриш муҳити - рН кўрсаткичи 2,0 га тенг бўлган 0,1 М фосфат буфер эритмаси, унинг ҳажми - 900 мл, қурилманинг айланиш тезлиги – 100 айл/дақ шароитлари тақлиф этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Far.32.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

КОМИЛОВА МАХФУЗА МИРЗАСУЛТОН КИЗИ

**ФАРМАКОТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗРАБОТКИ
ПРОТИВОВИРУСНЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ**

15.00.01- технология лекарств

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент -2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В2021.1.PhD/Far77

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharml.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Кариева Ёкут Саидкаримовна
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Тухтаев Хаким Рахманович
доктор фармацевтических наук, профессор

Маматханова Мунирахон Ахматхоновна
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Государственное учреждение «Центр безопасности фармацевтической продукции» при Министерстве Здравоохранения Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «21» апреля 2025 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharml.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 72). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «4» апреля 2025 года.
(Реестр протокола рассылки № 72 от «4» апреля 2025 года).



К.С. Ризаев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ф.Х. Максудова

И.о. ученого секретаря Научного совета по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., доцент

Ф.Ф. Урманова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

Handwritten signature in blue ink.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), вирус иммунодефицита человека (ВИЧ) остается одной из основных глобальных проблем здравоохранения, и на сегодняшний день число инфицированных составляет 37,9 миллиона человек, а число умерших превысило 32 миллиона. Однако за последние двадцать лет в результате приема антиретровирусных препаратов количество новых случаев ВИЧ-инфекции снизилось на 37%, а количество смертей от причин, связанных с этим вирусом, - на 45%. Поэтому для предотвращения передачи этого заболевания другим людям, а также увеличения продолжительности и улучшения качества жизни пациентов важное значение имеет синтез субстанций с антиретровирусным действием, создание на их основе безопасных и удобных для применения лекарственных средств, проведение фармакотерапевтических исследований, доказывающих их эффективность.

Во всем мире проводятся научные исследования по улучшению качества жизни пациентов с вирусом иммунодефицита, расширению ассортимента антиретровирусных препаратов с различными механизмами действия, применяемых пациентами, и обеспечению безопасности режима терапии. В связи с этим особое внимание уделяется исследованиям, направленным на разработку технологии оригинальных лекарственных средств на основе новых синтезированных активных фармацевтических субстанций, совершенствование существующих технологий, создание генерических препаратов, их стандартизацию в соответствии с требованиями действующих нормативных документов и обеспечение их стабильности.

В результате реформ, проводимых в фармацевтической отрасли нашей республики с целью обеспечения здоровья населения достигаются определенные результаты по разработке различных форм конкурентоспособных лекарственных средств, обеспечению их биологической эффективности с биофармацевтической точки зрения и внедрению в практику отечественных фармацевтических предприятий. В 22-й цели Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены такие важные задачи как «Увеличение объема производства продукции фармацевтической промышленности в три раза и доведение уровня обеспечения внутреннего рынка отечественными лекарственными средствами до 80 процентов»¹. В связи с этим важное значение имеет расширение ассортимента импортозамещающих, экономически выгодных лекарственных средств на основе субстанций с антиретровирусным действием, применяемых при лечении ВИЧ-инфекции, доказание их

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

биоэквивалентности и безопасности, а также локализация разработанных технологии.

